2008 ЙИЛ, 11 ИЮЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 133 (11.194)

Баҳоси эркин нархда

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

2008 — Ёшлар йили

## ЁШЛАР УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ВА БИР ҚАТОР ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА "ЁШЛАР ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг мукаммал таълим-тарбия олишига, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллашига яқиндан кўмаклашиш учун имконият яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ёшлар йили" Давлат дастурига биноан бу борадаги ишлар янада кенгаймоқда. Таълим муассасалари томонидан барча соҳаларда мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар битирувчилари, меҳнатга лаёқатли банд бўлмаган бошқа фуқароларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳам дастурда кўзда тутилган муҳим йўналишлардандир.




Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Меҳнат бозоридаги мавжуд касбларга бўлган талаб ва эҳтиёжни атрофлича ўрганиш, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим даргоҳлари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёшлар учун бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ташкил этиш борасидаги ишлар бунга мисолдир.



Ҳозир Тошкент шаҳрида 116 академик лицей ва касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда ушбу таълим даргоҳларини ўн тўққиз минг уч юз нафардан ортиқ йигит-қиз битирди.Уларнинг саккиз минг олти юз нафари олий таълим даргоҳларида ўқишни давом эттириш истагини билдирган бўлса, ўн минг нафардан ортиқ битирувчи ўзи танлаган ихтисослик бўйича меҳнат фаолиятини бошлаш ниятида. Айни пайтда пойтахтимиздаги йигирма етти олий ўқув юртини салкам олти минг нафар йигит-қиз тамомлади. Уларнинг ўз интилиши, қизиқиши, талаб ва истаги бўйича ишга жойлашишида бундай меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти каттадир.

Сергели - Тошкентдаги саноат корхоналари энг кўп жойлашган туманлардан. Сергели тумани бандликка кўмаклашиш маркази директори Холида Низомованинг айтишича, ушбу ярмаркада тумандаги йигирмага яқин йирик корхона ва ташкилот ўзининг бўш иш ўринлари билан иштирок этмоқда. Марказ томонидан қайси корхонага қандай мутахассис зарурлиги, ёшларнинг касб эгаллашга бўлган қизиқиши, меҳнат бозори билан таълим масканлари томонидан тайёрланаётган кадрларнинг ўзаро мутаносиблиги доимий равишда таҳлил этиб борилмоқда. Ёшлар ўртасида компьютер оператори, бухгалтерия, тикувчилик, тўқувчилик, токарлик, механиклик каби касбларни эгаллашга интилиш кучли. Эътиборга молик жиҳати - ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотларнинг ҳам айнан шу йўналишдаги кадрларга бўлган эҳтиёжи катта.

Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежини автомобиль устаси йўналиши бўйича битирган Асқар Одилов ўз соҳаси бўйича "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятига ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

- Ўзим танлаган касб бўйича иш топганимдан мамнунман, - дейди Асқар. - Буни мамлакатимизда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бераётган самаралардан, деб биламан.

Икки кун давом этган мазкур ярмаркада Тошкент шаҳрида жойлашган 170 дан ортиқ йирик саноат корхонаси бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**
**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**
**Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар.**



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**10 ИЮЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов сўзга чиқди. Нотиқ мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик институтларнинг ривожланган тизимини барпо этиш бўйича изчил иш олиб борилганлиги алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизнинг ҳамма жойида «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» принципи қарор топмоқда, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мустаҳкамланмоқда. Фуқароларнинг жамоат ва давлат ишларини бошқаришда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 3 июль куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини, шунингдек, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 2008 йил 10 июль куни парламент палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тўғрисидаги низом, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси таркиби тасдиқланди.

Мажлисда сўзга чиққан барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари жамиятимизни янада демократлаштириш ва эркинлаштиришда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил январида бўлиб ўтган қўшма мажлисида мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган мустақил Ўзбекистонни ривожлантириш дастурини амалий рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ортиб бораётганлигини таъкидладилар. Бунда депутатлар ННТ ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишида уларга маҳаллий ҳокимият вакиллик органларини, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда доимий амалий ёрдам бериш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Ушбу масалани муҳокама этиш якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 3 июль ва 10 июль кунлари қабул қилинган қўшма қарорларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## БУХОРО ВИЛОЯТИ КОГОН ТУМАНИДА СОДИР БЎЛГАН ФАВҚУЛОДДА ВОҚЕА ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг маълумотига кўра, 2008 йил 10 июль кечаси Мудофаа вазирлигининг Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган ҳарбий қисмининг ракета-артиллерия омборида ўт чиққан ва у омборда ёнғин юз бериши ҳамда ўқ-дориларнинг портлашига сабаб бўлган.

Бухоро вилоятидаги ҳарбийлашган тузилмалар навбатчи қисмларига бу ҳақда хабар келгач, ички ишлар бошқармаси кучлари ва Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан воқеа содир бўлган жой ўраб олинган. Воқеа содир бўлган жойнинг яқинида яшайдиган аҳоли хавфсиз жойга кўчирилган.

Фавқулодда ҳодисани бартараф этиш учун Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари, вилоят фавқулодда вазиятлар ва ички ишлар бошқармалари ходимлари жалб қилинган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, портлаш натижасида 3 киши ҳалок бўлган, 21 киши жабрланган. Жабрланганларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Вазиятни бартараф этиш, зарур хавфсизлик чораларини таъминлаш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича Ҳукумат, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тузилмалар раҳбарларидан иборат ҳукумат комиссияси ташкил этилди.

Комиссия воқеа сабабларини аниқлашга киришди.

**(ЎзА)**

## Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Республика Адлия вазирлиги ҳамкорлигида уюштирилган семинарда қамоққа олиш ҳуқуқини судларга бериш масаласининг аҳамияти муҳокама қилинди.

●**КЕЧА** шаҳримиздаги олий ҳарбий билим юртларида абитуриентлар иштирокида тест синовлари ўтказилди.

●**ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган анжуман Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланди.

●**ТОШКЕНТ** Ислом университетида битирувчи талабалар ва ўқитувчилар иштирокида уюштирилган битирув кечаси ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

●**ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетининг бир гуруҳ талабалари «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашининг «Бунёдкор—2008» лойиҳаси тадбирларида иштирок этиш учун Тошкентдан Ангрен шаҳрига жўнаб кетди.

●**ШАҲРИМИЗДА** санъат ихлосмандлари эътиборига Беҳзод номли миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Сакина Муҳаммаджонова томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан шифокорлар, ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида уюштирилган учрашув ёшлар орасида ОИТС хасталигининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

●**Кеча Тошкентдаги «Шодлик» меҳмонхонасида «Сиёсий партиялар: ривожланиш жараёнлари» мавзуида семинар-тренинг ўз ишини бошлади. Унда сиёсий партиялар учун яратилган меъёрий-ҳуқуқий асослар, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда «Адолат» СДПнинг иштироки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари фаолияти ва бошқа масалалар муҳокама этилди.**

●**Нукус шаҳрида бўлиб ўтган семинар Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда ОАВнинг ўрнига бағишланди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли корхона ва ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва марказий ОАВ ходимлари қатнашди.**

●**«Камолот» ЁИҲ Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан тузилган «Бунёдкор» талаба ёшлар меҳнат гуруҳи шаҳар ва туманлардаги йирик қурилиш иншоотларига жўнаб кетди. Вилоят марказидаги учта олий ўқув юртининг 242 нафар талабаси ёзги таътилни вилоятда қурилаётган касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларида ўтказишга аҳд қилишди.**

●**Самарқандда «Битирувчи-2008» ҳамда «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди. Унда 180 та корхона ва ташкилот 790 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Шу куни иштирокчиларнинг 169 нафари «Элхолдинг», «8 март», «Бофанда» ва вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам маркази каби корхона ва муассасаларда ишлашга йўлланма олди. Касб-ҳунар коллежларининг 1800 нафар битирувчисига ўзларига мос йўналишлар хусусида маслаҳатлар берилди.**

●**Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги «Жамол Ато» хусусий фирмаси қошида маъданли сувни қадоқлаш бўйича цех фаолият кўрсата бошлади. Янги ишлаб чиқариш нуқтасининг очилиши 20 га яқин ёшларнинг иш билан таъминланишига имкон яратди. Ушбу шифобахш булоқ суви замонавий технологиялар асосида полиэтилен идишларга қуйилмоқда ва «Aqva Boysun» номида савдога чиқарилмоқда.**

●**Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Фарҳод» маданият саройининг кутубхонаси 10 миллион сўмлик янги бадиий, сиёсий-иқтисодий адабиётлар билан бойиди.**

●**Амударё туманидаги «Оёқчи» ва «Бўзчи» овулларида металл қувурларнинг эскиргани туфайли сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар юзага келган эди. Эндиликда улар тўлиқ замонавий полиэтилен қувурлар билан алмаштирилди. Яратилган бу қулайликдан аҳоли мамнун.**

### ЖАҲОНДА

●**Кеча Бельгия Лиссабон шартномасини имзолади.**

●**Албания ва Хорватия НАТОнинг янги аъзолари сифатида қабул қилинди. Брюсселда мазкур Шимолий Атлантика альянсининг 26 аъзо давлати расмий вакиллари бу борадаги ҳужжатга имзо чекди. Протокол НАТО таркибига кирувчи мамлакатлар парламентига ратификация қилиш учун тақдим этилган. Ратификациядан сўнг Хорватия ва Албания расмий аъзо сифатида тан олинади.**

●**БМТ Хавфсизлик Кенгаши Абхазия масаласи бўйича резолюция лойиҳасини кўриб чиқмоқда. Резолюция Россия томонидан тақдим этилган бўлиб, расмий Москва Грузия-Абхазия ҳамда Грузия-Осетия ўртасида вужудга келган кескин вазиятнинг холисона ечилишидан умид қилмоқда.**

●**Европа Иттифоқи расмий тарзда Словакияга келаси йилнинг 1 январидан Евроҳудудга киришини таклиф этди. Словакия бунга рози бўлса, умумий валютадан фойдаланувчи Евроҳудуд мамлакатлари сони 16 тага етади. Бундан ташқари Словакия Марказий ва Шарқий Европадаги Евроҳудудга кирган иккинчи мамлакат бўлади.**

●**Туркиянинг Истамбул шаҳридаги АҚШ консуллиги биносига қуролли шахслар ҳужум уюштирди. Маълумотларга кўра 6 нафар номаълум шахс консуллик хизматига қарата ўқ узган. Америкалик қўриқчилар яшириниб олишга улгурган. Воқеа жойига яқин бўлган маҳаллий полициячилар жиноятчиларнинг учтасини отиб ўлдиришган, иккитаси яраланган. Тўқнашувлар вақтида уч полициячи ҳалок бўлган.**

●**Пекинда ёзги Олимпиада ўйинларини ёритиб борадиган матбуот маркази иш бошлади. Бу ерда чет эллик журналистларнинг интернет тармоғидан тезкорлик билан фойдаланиши учун барча имкониятлар яратилган. Бундан ташқари, мухбирларга Пекин кўчаларидан тўғридан тўғри репортажлар уюштиришга рухсат берилган.**

●**Кеча Ингушетияда туман ички ишлар бўлими бошлиғи уйининг номаълум кишилар томонидан ўққа тутилиши натижасида уч нафар милиция ходими яраланди.**

●**Кеча россиялик фазогирлар Сергей Волков ва Олег Кононенко Халқаро космик станциядан очиқ коинотга чиқишиб, ўз вазифаларини муваффақиятли бажарган ҳолда станцияга қайтдилар.**

●**Доғистонда кучли сув тошқинлари оқибатида 5 та тоғ автомобиль йўллари издан чиқди, кўплаб электр узатиш тармоқлари узилди. Натижада бир нечта қишлоқлар аҳолиси электр қувватисиз қолди.**

*Транспорт*

# РЕЖАЛАР ОРТИҒИ БИЛАН УДДАЛАНМОҚДА

**БУГУНГИ КУНДА ҲАЁТИМИЗНИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. ЧУНКИ У УЗОҒИМИЗНИ ЯҚИН, ДИЛЛАРИМИЗНИ РАВШАН ҚИЛАДИГАН МУҲИМ ВОСИТАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 12-ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ҲАМ ЭЛ ХИЗМАТИГА БЕЛ БОҒЛАГАН ЖАМОАЛАРДАН БИРИ ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.**

Айни дамда ушбу жамоа томонидан шаҳримиз аҳолисига 11 та йўналиш бўйича 53 та «Мерседес-Бенц», 30 та «Исузу», 36 та «Лаз» ва «Паз» автотранспорт воситаларининг қатнови йўлга қўйилгани ҳолда намунали хизмат кўрсатилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бошқа ҳудудларга нисбатан транспорт турлари бирмунча кўп йўлга қўйилган бўлсада, аммо



уларнинг маълум қисмини замонавийларига алмаштириш тақозо этилади.

—Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан шаҳар ҳокимлиги ва «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раҳбариятининг бевосита ташаббуси билан германиядан пойтахтимизга келтириладиган 200 та «Мерседес-Бенц» автобусларининг маълум бир қисмининг бизнинг автокорхонамизга ажратилиши режалаштирилган, —дейди биз билан суҳбатда 12-очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Қудратулла Зокиров. —Шундан дастлабки туркум машиналар олинди ва 58-йўналишда қатнамоқда. Чунки туманимиз бошқа жойларга нисбатан энг гавжум ҳудудлардан ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида аҳолига намунали транспорт хизматини йўлга қўйиш имкониятини берибгина қолмай, белгиланган режаларни ортиғи билан уддалашга ҳам замин яратади. Бинобарин, ўтган ярим йиллик якунига қадар йўловчиларни ташиш режаси салкам 103 фоизга уддаланди. Улардан тушган даромад ҳам 31 миллион 246 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 133,3 фоизга кўпдир. Албатта, эришилаётган ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунга жамоамизнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари туфайли эришилмоқда. Айниқса, бунда «Фидокорона хизматлар учун» ордени соҳиби Анвар Исматуллаев сингари қатор илғор ҳайдовчиларнинг хизмати катта бўлмоқда. Бугунги кунда ана шундай фидокор инсонларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТЛАРДА: «Мерседес-Бенц-555» русумли янги автобус аҳоли хизматида; (чапда) илғор ҳайдовчи Анвар Исматуллаев диспетчер Азиз Магдиев билан суҳбатлашмоқда**

# СЕУЛДАГИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ РАССОМЛАР ИШТИРОКИ

**КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПОЙТАХТИ — СЕУЛ ШАҲРИДА БОЛАЛАР СУРАТЛАРИ XIV ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА-БИЕННАЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР ЯПОНИЯНИНГ КАНАГАВА ПРЕФЕКТУРАСИ ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ДОНГВОН ТАЪЛИМ ЖАМҒАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида Корея Республикасининг бир қатор вазирлик ва идоралари, Сеулда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Нуфузли танловда қатнашиш учун жаҳоннинг 85 мамлакатидаги 4 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалардан қарийб 24 мингта ариза келиб тушди. Мазкур кўргазма асосини танловнинг ғолиб ва совриндорлари бўлган 200 нафар ёш рассомларнинг энг сара асарлари ташкил этади.

Кўргазма меҳмонларида турли жанрларда ишланган ранг-баранг суратлар орасидан ўзбекистонлик ёш тасвирий санъат усталарининг ижод намуналари – 9 ёшли Марина Михайлянцнинг «Тўй» ҳамда 11 ёшли Роман Голубевнинг «Ўзбекистон менинг ватаним» асарлари айниқса, катта таассурот қолдирди.

Жанубий Кореянинг Донгвон таълим жамғармаси президенти Ким Жечил ўзбекистонлик танлов иштирокчиларининг истеъдодига юксак баҳо берар экан жумладан, шундай деди: «Бу суратларни томоша қилиб, ватанга муҳаббат, маданий-тарихий, маънавий қадриятлар, шунингдек кўп асрлик оилавий анъаналарга ҳурмат руҳида камол топаётган ўзбекистонлик болаларнинг бадиий истеъдодини алоҳида қайд этиш лозим».

Тадбир ташкилотчилари болалар бадиий ижодини оммалаштириш ва фаоллаштириш, жаҳон халқлари маданий алоқаларини мустаҳкамлаш, ёш истеъдодли рассомларни аниқлаш мақсадида ўтказиб келинаётган «Болалар суратлари XIV халқаро кўргазма-биенналиси»дан жой олган экспозицияларни бир ой давомида Япониянинг Канагава префектурасида ҳам намойиш этишни режалаштирмоқда.

**«Жаҳон» АА**
**Сеул**

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

**ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ ХОРИЖДАГИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Бугун мамлакатимиз дунёнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлди. Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда Республика Савдо-саноат палатасининг ҳам ҳиссаси беқиёс.

Тадбирда Савдо-саноат палатаси ваколатхоналарининг мавжуд имкониятлари, ҳамкорликни ривожлантириш йўллари, манфаатли алоқаларни ўрнатиш юзасидан фикр алмашилди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида иқтисодиётда амалга оширилаётган ва аниқ мақсадларга йўналтирилган ислоҳотлар йирик саноат корхоналарининг барпо этилиши ҳам эътиборга молик ҳодисадир. Бундан ташқари, саноат ярмаркалари, кооперация биржалари, бизнес форумлар ва халқаро кўргазмаларнинг ўтказилиши иқтисодиётимизга хориж сармояларини жалб этишда катта аҳамият касб этади.

Матбуот анжуманида Республика Савдо-саноат палатаси вакиллари йиғилганларни амалга оширилган ишлар билан таништирди. Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари муҳокама этилди. Бундан ташқари, анжуманда палатанинг хориждаги вакиллари ўз лойиҳаларини тақдим этди.

Маълумотларга кўра, Республика Савдо-саноат палатаси томонидан ўтган 2007 йилда юртимизда 30 дан зиёд, хорижий мамлакатларда эса 15 та ихтисослашган кўргазмалар ўтказилган. Шунингдек, чет эл сармоядорлари иштирокида бизнес форум ва кооперация биржалари ташкил этилган. Шунингдек, 66 та ҳамкор ташкилотлар билан узвий алоқалар йўлга қўйилган.

Анжуманда юртимизда мустақиллик йилларида кўплаб йирик саноат корхоналарининг бунёд этилганлиги, шу туфайли енгил ва юк автомобиллари, йўловчи ташиш автобуслари, сиқилган ва суюлтирилган газ, кабель ўтказиш маҳсулотлари каби кўплаб янги юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигига ҳам эътибор қаратилди. Бу сингари давра суҳбатлари ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайишида хизмат қилади.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

# СОҒЛИҒИМИЗНИ АСРАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***Санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш юқумли касалликлардан ҳимояланишнинг оддий ва ишончли кафолатидир***

**САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК. ТАН САЛОМАТИ – ЖОН РОҲАТИ. СОҒЛИК-САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА ГАП БОРГАНДА, ХАЛҚИМИЗНИНГ БУ КАБИ ҲИКМАТЛАРИНИ ЯНА КЎПЛАБ КЕЛТИРИШ МУМКИН. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР, ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТИЗИМИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ.**

Юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Аҳолига бепул шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғининг ташкил этилиши бу босқичнинг самарали натижаларидан бўлди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди – замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти бунёд этилди.

Юртимизда янги ташкил этилган соғлиқни сақлаш тизимида энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар муҳим ўрин тутади. Шуниси эътиборлики, бугун Ўзбекистонда чечак ва ич терлама, ўлат ва вабо каби юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди. Ўтган давр мобайнида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли равишда ортганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Шу билан бирга, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, оддий, аммо муҳим бир ҳақиқатни – одамзотнинг соғлиғи кўп жиҳатдан, авваламбор, унинг ўзига боғлиқ эканини унутмаслик лозим. Бунинг учун инсон ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши зарур. Зеро, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш, аввало, соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданиятини талаб қилиши табиийдир. Бошқача айтганда, давлат, ҳокимият идоралари, соғлиқни сақлаш муассасалари бу масалага қанчалик эътибор бермасин, ҳар қайси одамнинг бу масала бўйича қарашини ўзгартирмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиш мушкул.

Оммавий ахборот воситалари маълумотларига қараганда, Осиёнинг қатор мамлакатларида энтеровирусли инфекция тарқалиши қайд этилган. Вирусли инфекциялар сайёрамизда энг кенг тарқалган касаллик турларидан бўлиб, бошқа барча микроорганизмлар сингари ўзи учун қулай шароитда, яъни инсон иммунитети пасайиб, ҳимоя функциялари заифлашганда, шахсий гигиена қоидалари бузилганда касалликни қўзғатувчи фаолиятини бошлайди. Энтеровирусли инфекция зарарланган озиқ-овқат, тоза ювилмаган қўл, турли ташқи муҳит объектлари орқали юқади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, Осиёнинг айрим мамлакатларида кузатилаётган хавфли энтеровирусли инфекция туфайли юзага келган бирорта ҳам касаллик Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тасдиқланган маълумотларга кўра ҳам мамлакатимизда барқарор эпидемиологик вазият сақланиб турибди. Албатта, буларнинг барчаси Юртбошимиз ташаббуси билан юртимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли фаолиятнинг бир қисми ҳисобланган профилактика ва соғломлаштириш ишларининг яққол самарасидир.

Турли ичак касалликларининг тарқалиши авж олиши мумкин бўлган ёзнинг иссиқ кунларида мамлакатимизда эпидемияга қарши ишлар янада кучайтирилган. Бу борадаги ишлар маҳаллий ҳокимият органлари, транспорт ва сайёҳлик компаниялари, корхоналар, ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари иштирокида амалга оширилмоқда. Республикамизда аҳолини турли хавфли инфекциялардан тўлиқ ҳимоя қилиш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика давлат санитария-эпидемиология назорати марказидан маълум қилишларича, болалар, таълим ва даволаш муассасалари, транспорт, одамлар тўпланадиган жойлар, жумладан, бозорлар, овқатланиш ва савдо корхоналари, темир йўл ва автобекатлар, аэропортлар, давлат чегараларимизда санитария-назорат пунктлари куну тун ишлаб турибди. Санитария шифокорлари мамлакатимизга келаётган фуқаролар соғлиғини, келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва бошқа товарларнинг эпидемиологик хавфсизлигини синчиклаб текширмоқда.

Санитария шифокорлари бошланғич соғлиқни сақлаш бўғинлари, қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ёз мавсумида соғломлаштириш оромгоҳларида профилактика чораларига риоя қилиш устидан назорат кучайтирилгани ҳам айни ана шундай чора-тадбирлардандир.

Шу ўринда мамлакатимизда истиқлол йиллари хайрли анъанага айланган ҳашарларнинг аҳамияти нечоғли улкан эканини таъкидлаш жоиз. Бундай оммавий тадбирлар чоғида хонадонлар орасталиги, маҳалла ободлиги, кўча ва сайилгоҳларнинг саришталигини таъминлашга, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда тозалик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, бир томондан, миллий қадрият ва анъаналаримизни улғайиб келаётган авлод онг-шуурига янада чуқурроқ сингдириш, ёшларни миллий истиқлол ғоялари ва Ватанга садоқат, халқимизнинг азалий анъаналарига эҳтиром руҳида тарбиялашга кўмаклашса, иккинчи томондан, кишиларимизда покиза ва соғлом турмуш маданиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шаҳарларимиз уй-жой-коммунал хўжалиги минглаб замонавий ва қулай чиқит қутилари билан таъминланган. Бу ҳозирги кунда наинки соғлом ва озода турмуш тарзига, айни чоғда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаётга интилишларимиз юксак самаралар бераётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Албатта, тегишли ташкилотлар томонидан кўрилаётган бундай кенг кўламли чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Аммо, бу асло бепарволикка берилиш керак дегани эмас. Бугунги пишиқчилик мавсумида ҳар биримизнинг санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этишимиз юқумли касалликлардан ишончли ҳимояланишнинг оддий ва ишончли кафолати эканини унутмаслигимиз даркор. Зеро, тиббиёт амалиётига кўра, ҳар қандай инфекцияга қарши курашнинг асоси – бу эпидемияга қарши энг замонавий услублардан фойдаланган ҳолда, уларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзига, оддий санитария ва гигиена қоидаларига амал қилиш, одамларга, айниқса, фарзандларимизга бунинг моҳиятини кенг тарғиб этиш ва тушунтиришдан иборат.

Шу боис бозорларимизда, умумий овқатланиш муассасаларида гўшт, сут, мева-чева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сотаётганлар ҳам, уларни харид ва истеъмол қилаётганлар ҳам, аввало, маҳсулотнинг тозалиги ва озодалигига алоҳида эътибор қаратиши, маҳсулотларни сақлаш ҳамда сотиш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилишлари зарур.

Айни пайтда, ёзги таътилга чиққан фарзандларимизнинг тўғри келган жойлардаги сув ҳавзаларида чўмилишининг олдини олишимиз ҳам уларни юқумли касалликлардан ҳимоя қилишнинг энг ишончли йўлларидандир. Шукрки, бугун мамлакатимиз шаҳар-қишлоқларида халқаро стандартлар талаблари асосида бунёд этилган, тоза-озода сузиш ҳавзалари ва бассейнлар кўп. Ўғил-қизларимизни бундай замонавий спорт иншоотларига жалб этишимиз уларнинг соғлом ҳаёт тарзига интилишини кучайтириб, турмуш маданиятининг юксалишига хизмат қилади.

Инсон – табиатнинг буюк мўъжизаси. Инсон ўз соғлиғини асраган тақдирдагина табиатни, ҳаёт давомийлигини асраган бўлади. Шундай экан, ҳар бир инсон ўзи ҳақида ўйлаши, соғлиғи ҳақида қайғуриши, ўзини ўзи қадрлаши фарз ва қарздир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Аллоҳ таоло берган соғлиғимизни асрайлик. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақат соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*Санъат*

# ЁШ СУРАТКАШЛАР КЎРГАЗМАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ТОШКЕНТ ФОТОГРАФИЯ УЙИДА ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ҲАМ ЎЗ КАСБИЙ МАҲОРАТЛАРИНИ ОШИРИБ БОРМОҚДАЛАР. БУ ЕРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ФОТОСАНЪАТ» МАКТАБ-СТУДИЯСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАШҒУЛОТЛАРГА КЎПЛАБ ЁШЛАР ҚАТНАШМОҚДА.**

Яқинда студия ўзининг дастлабки битирувчиларига йўлланма берди. Шу муносабат билан кўргазма очилди. Устоз-педагог Искандар Содиқов раҳбарлигида уюштирилган бу кўргазма экспонатларида қадимий ва гўзал Тошкент манзаралари ҳам ўз аксини топди. Шунингдек, кўргазма орқали студия томонидан ўтказилган учрашувлар ҳақида ҳикоя қилувчи ижод намуналари билан ҳам танишиш мумкин.

# ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

**ҲОЗИР РЕСПУБЛИКАМИЗДА БИР НЕЧТА КАМЕР ОРКЕСТРЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИНИНГ КАМЕР ОРКЕСТРИ ЭСА 30 ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА.**

Ўтган шу давр мобайнида ижодий жамоанинг концерт дастури кўпгина мусиқа асарлари билан бойиди. Мутал Бурхонов, Рустам Абдуллаев, Мустафо Бафоев каби бастакорларнинг янги асарлари ҳам ўз вақтида ижро этилди.

Оркестр созандалари Европа композиторлари ижодига ҳам мурожаат қилиб мухлисларни мамнун қилиб борди. Шунингдек, жойларда қизиқарли гастрол томошалари уюштирилди.

Эндиликда «Туркистон», «Ўзбекистон солистлари» ва «Ёш истеъдодлар» оркестрларига моҳир санъаткор Виктор Медюлянов бадиий раҳбарлик қилмоқда.

# ЁШЛАР СЕВГАН ОРКЕСТР

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 21-МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА МУСИҚА САНЪАТИГА ҚИЗИҚУВЧИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР КЎП. БУ ЕРДА ҲАРБИЙ ОРКЕСТРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ҲАМ АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ.**

Санъаткор Мурод Мақсудов бадиий раҳбар бўлган мазкур ижодий гуруҳ томонидан янги тайёрланган концерт дастури Ёшлар йилига бағишланди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Истеъмолчилар ҳуқуқлари — ҳимояда*

# МУАММОЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

**МАМЛАКАТИМИЗ ИЧКИ БОЗОРИНИ ТАЪМИНЛАБ ТУРГАН МАҲСУЛОТЛАР СИФАТ ДАРАЖАСИНИНГ ЮҚОРИЛИГИ ФАРОВОН ТУРМУШ ТАРЗИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. АММО ФУҚАРОЛАРНИНГ ИСТЕЪМОЛЧИ СИФАТИДАГИ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ТЎСИҚ БЎЛАЁТГАН ҚОНУН БУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ УЧРАБ ТУРАЁТГАНИДАН КЎЗ ЮМИБ БЎЛМАЙДИ. ҚУЙИДА БУ БОРАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН АЙРИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БИЛАН ТАНИШАСИЗ:**

Шайхонтоҳур тумани Бахт кўчаси 101"в"-уйида истиқомат қилувчи Ҳилола Муҳсимова Олой бозори ҳудудида жойлашган хусусий тадбиркор М.Қамбаровага тегишли "Моника" савдо дўконидан 340.000 сўмлик аёллар кўйлагини харид қилган. Маҳсулот ўз сифат кафолатини оқлай олмаганлиги учун сарфланган маблағ қайтариб берилган.

* * *

Миробод тумани Қўйлиқ 4-даҳаси, 29-уй, 20-хонадонда яшовчи Ф.Валитова "Навоий" ярмаркасида жойлашган хусусий тадбиркор С.Муҳиддиноваra қарашли "Электросети" савдо дўконидан "Самсунг" русумидаги музлатгични 510.000 сўмга харид қилган. Ҳозирда сифатсиз чиққан музлатгичга сарфланган харажат истеъмолчига тўлиқ ундирилган.

* * *

Мирзо Улуғбек тумани 3-Навниҳол кўчаси, 16-уй, 1-хонадонда истиқомат қилувчи Э.Темиршин "Ройсон-электроникс" қўшма корхонасидан "Ройсон" русумидаги совутгични 510.000 сўмга харид қилган. Э.Темиршин томонидан ҳаракатга келтириб кўрилган маҳсулотнинг техник носозлиги маълум бўлгач, ҳудудий бирлашма томонидан янгисига алмаштириб берилган.

* * *

Чилонзор тумани 24-даҳа, 2-уй, 163-хонадонда яшовчи Р.Темургалиев хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи Ш.Толиповга "AKVA" ойналарини буюртма асосида тайёрлаб бериш учун 1 миллион 96 минг сўм пул тўлаган. Аммо 483.500 сўмлик 3 та ойна сифатсиз чиққанлиги боис, ҳудудий бирлашма аралашуви билан унинг пули қайтарилган.

* * *

Юнусобод тумани 12-даҳа, 35-уй, 31-хонадонда яшовчи К.Алиев "Навоий" ярмаркасида жойлашган "Сезам плюс" савдо дўконидан 145.000 сўмлик "блендер" ошхона жиҳозини харид қилган. Бироқ ўзининг сифат кафолатини оқлай олмаган жиҳозлар янгисига алмаштириб берилган.

* * *

Чилонзор тумани 9-даҳа, 41-уй, 30-хонадонда яшовчи С.Азимова "Брест" савдо дўконидан "Позис" русумидаги музлатгични 1 миллион сўмга сотиб олган. Ҳозирда техник носоз музлатгич янгисига алмаштирилган.

* * *

Яккасарой тумани Усмон Носир кўчаси 57-уй, 4-қаватда яшовчи фуқаролар юқорига сув чиқмаслиги юзасидан ариза билан мурожаат қилишган. Ушбу масала "Сувсоз" трести давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда бартараф этилган.

* * *

Чилонзор тумани Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 4-уй, 30-хонадонда яшовчи Н.Южакова телефон тармоғидаги носисликлар юзасидан мурожаат қилган. Ҳозирда истеъмолчи талаблари тўлиқ қондирилган.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!**

**Агар сиз харид қилган маҳсулотларда ҳам сифат кафолатлари бузилиши сезилса, Тошкент-700185, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси 23"а"-уйга мурожаат этишингиз мумкин. Телефонлар: (998 712) 276-90-46, факс: 276-89-35.**

**Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида**

**Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади**

